

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИДАН КУЗАТУВЧИЛАРГА
ЭСЛАТМА**

**ПАМЯТКА
ДЛЯ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ ОТ ОРГАНОВ
САМОУПРАВЛЕНИЯ ГРАЖДАН**

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024



САЙЛОВ



Сайлов – сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга депутатликка кўрсатилган номзодларга фуқароларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида **яширин овоз беришини ўз ичига оладиган сиёсий жараёндир.**

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Сайлов жараёни иштирокчилари – сайловчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, сайлов комиссияси аъзолари (раис, раис ўринбосари, котиб ва бошқа аъзолар), депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, сиёсий партиялар ва уларнинг ваколатли вакиллари.

САЙЛОВЧИ



Сайловчи – сайлов куни **18 ёшга тўлган** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД



Депутатликка номзод – сайлов куни **25 ёшга** тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида кўрсатилган ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган фуқаролар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД



Депутатликка номзод – сайлов куни **21 ёшга** тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган, сиёсий партиялар томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод сифатида кўрсатилган ҳамда тегишли ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган фуқаролар.

КУЗАТУВЧИ



Кузатувчи – сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида иштирок этиш ва сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан **жамоатчилик назоратини амалга ошириш** ҳуқуқига эга, тегишли сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва бу ҳақда тегишли мандатга эга бўлган шахс.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ



Ишончли вакил – номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берувчи, унинг сайланиши учун ташвиқот олиб борувчи, шунингдек давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда **номзоднинг манфаатларини ифодаловчи шахс**.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ



Муддатидан олдин овоз бериш – сайлов кунига **10 кун** қолганида бошланади, **3 кун** қолганида тугалланади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВИДА ИШТИРОКИ



Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

Кузатувнинг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши ўстидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фуқаролар йиғини раиси, унинг ўринбосари, маслаҳатчиси, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахслари кузатувчи бўлиши мумкин.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловни ўтказувчи Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияси тузилганидан кейин **сайловга камида 10 кун қолгунга қадар** ушбу комиссияга **ариза билан «E-SAYLOV»** тизими орқали мурожаат қилиши мумкин.

АРИЗАГА КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ



рўйхати

(исми, фамилияси, лавозими,
яшаш манзили ва телефон
рақами кўрсатилган ҳолда)



шахсини

тасдиқловчи
ҳужжат
нусхалари



3x4 см.

ўлчамдаги икки
дона фотосурат
илова қилинади.



Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасини олгандан кейин **беш кун ичида** қарор қабул қилади ва **кузатувчи учун мандат беради**.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссиясидан **мандатларни олгандан сўнг уларни кузатувчиларга етказилишини** таъминлайди.



Кузатувчининг ваколат муддати унга мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.



Такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кузатувчилар мандатининг амал қилиши **тегишли муддатга узайтирилади**.



КУЗАТУВ ЖАРАЁНИ ҚУЙИДАГИ 2 ДАВРГА БЎЛИНАДИ

САЙЛОВОЛДИ КУЗАТУВ ДАВРИ



АСОСИЙ КУЗАТУВ ДАВРИ



САЙЛОВОЛДИ КУЗАТУВ ДАВРИ

сайлов кунига қадар бўлган, шу жумладан муддатидан олдин овоз беришдаги кузатувни амалга ошириш даври.

Бунда кузатувчи томонидан ҳудудий, туман, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида, **сайловолди ташвиқоти вақтида** ҳамда овоз беришдан **бир кун олдин** кузатув амалга оширилади.




Сайловолди кузатув даврида кузатувчи сайлов участкаларининг овоз бериш жараёнларига тайёргарлик кўриш даражасини, шу жумладан тайёргарлик ишларининг бориши, овоз бериш учун кабиналар ва сайлов қутиларининг жойлаштирилишини ҳамда сайловолди ташвиқоти жараёнларида сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини кузатади.

Кузатувчи ўзи кузатиши лозим бўлган сайлов комиссиясининг жойлашган манзили ва телефон рақамини, комиссия аъзолари ҳақидаги маълумотларни олдиндан аниқлаб олиши лозим.

АСОСИЙ КУЗАТУВ ДАВРИ

участка сайлов комиссияси овоз бериш куни ўз ишини бошлаган пайдан то сайлов натижалари ҳақидаги баённома имзоланиб, кузатувчи томонидан унинг кўчирма нусхаси олингунга қадар бўлган вақт.

Овоз бериш куни кузатувчи сайлов участкасига **соат 7:30 да** келиши мумкин.



Кузатувчига участка сайлов комиссияси раиси ва бошқа аъзолари ҳамда сиёсий партияларнинг кузатувчилари билан танишиб олиш тавсия этилади.

Кузатувчи овоз бериш биносиди бўлаётган воқеаларни кузатиш учун қулай бўлган жойни эгаллаши керак.

Асосий кузатув даврида кузатувчи ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришини, бюллетеннинг кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус жиҳозланган хонада тўлдирилишини ҳамда кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус жиҳозланган хонада бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслигини кузатади.



КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ



сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;



номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг (вакилларининг) сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;



сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутиларининг муҳрланишини, сайловчиларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг сайловчиларга берилишини кузатиш;



сайлов куни овоз бериш жараёнини кузатиш;

-  муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараёнини кузатиш;
-  сайловчининг турган жойида унинг рухсати билан овоз бериш жараёнини кузатиш;
-  овозлар санаб чиқиладиганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиладиганда ҳозир бўлиш;
-  сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;
-  сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);
-  кузатув натижалари тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш;
-  тегишинча ҳудудий, округ, туман, шаҳар сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларидан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни қабул қилиб олиш ҳамда ҳудуд ёки округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида ҳозир бўлиш;
-  ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини белгиланган тартибда хабардор қилиш;
-  агар сайлов участкасида сайлов қонунчилиги талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида ушбу участка сайлов комиссияси аъзоларига уларнинг ишига аралашмаган ҳолда маълум қилиш, шунингдек юқори турувчи сайлов комиссияларига хабар бериш;
-  сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Кузатувчи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиши ҳамда шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиши мумкин.



КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ





сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яшрин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;



сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;



сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;



участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқиляётганда аралашиш;



сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Кузатувчи сайлов қонунчилиги талабларига риоя этмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.



САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ




Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни **18 ёшга тўлган**, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар **сайловчилар рўйхатига киритилади**.


Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади.



Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.



Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга **15 кун қолганида** ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси томонидан **тақдим этилади**. Ушбу рўйхатда фақат сайловчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган йили кўрсатилади.



Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга **5 кун қолганида тўхтатилади**.



- ✓ **Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.**
- ✓ **Ҳарбий қисмлардан ташқарида** истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.



- ✓ **Санаторийларда ва дам олиш ўйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида** тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади.



МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШНИ КУЗАТИШ

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (*таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо*) **кўрсатилган ариза асосида** тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини ва конвертни олади.

Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи **қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.**

ОКТАБРЬ



Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида белгиланган шаклдаги сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.

Участка сайлов комиссияси аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТда ва сайловчилар рўйхатида **«муддатидан олдин овоз берган сайловчи»** сифатида белгилаши шарт.

Сайлов бюллетени махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади. Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини **конвертга солади ва елимлаб ёпади.** Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзосига топширади.

Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссиясининг **икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб**, улар **комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.** Конверт сайлов куни овоз бериш жараёни якунлангунига қадар участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади.



Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов куни овоз бериш биносига соат 7:00 дан бошлаб соат 7:30 гача келишлари лозим.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади.

Бунда, сайловчилар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишлари мумкин.

Участка сайлов комиссияси соат 7:30 дан 8:00 га қадар қуйидагиларни амалга оширади:

- участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан комиссия аъзоларининг **овоз бериш кундаги вазифалари белгиланади;**
- участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг аъзолари билан биргаликда **сайлов қўтиларининг бўшлигини текширади ва уларни пломбалар билан пломбалайди,** пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади;
- комиссиянинг икки аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ҳолда тайёрлаб қўйилган сайлов бюллетенлари далолатнома асосида участка сайлов комиссиясининг раиси томонидан **сайлов бюллетенларини сайловчиларга беришга масъул этиб белгиланган комиссия аъзоларига топширилади.** Сайловчиларга тартибли равишда бюллетенларни бериш мақсадида, масъул участка сайлов комиссияси аъзоларига сайловчилар рўйхати алифбо кетма-кетлигида тақсимлаб берилади.



Сайлов куни сайлов участкасида соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.



Шундан кейин участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини эълон қилади.

Участка сайлов комиссияси раиси:

- сайлов участкасидаги сайловчилар сонини,
- туман, шаҳар сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенларнинг сонини,
- муддатидан олдин овоз берганлар сонини маълум қилади.

Ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан овоз бериш бошланганлиги **ҳақида алоқа воситалари орқали туман, шаҳар сайлов комиссиясига хабар берилади.**

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди.

Участка сайлов комиссияси участкадаги рўйхат бўйича овоз беришда иштирок этувчи ҳар бир сайловчига тегишли сайлов учун бир донадан ортиқ сайлов бюллетени берилмаслигини таъминлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштириб берилганлиги бундан мустасно.



Овоз бериш
сайлов куни соат **8:00** дан
20:00 гача ўтказилади.





Сайловчи сайлов куни овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига **ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади** (паспорт, идентификация ID-карта, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий гувоҳнома).



Участка сайлов комиссиясининг аъзоси сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида унинг **сайловчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади.**



Сайловчининг сайловчилар рўйхатида мавжудлигини аниқласа, унга **сайловчилар рўйхатидаги тартиб рақамини айтади** ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўйиб, сайлов бюллетенини олиши мумкинлигини тушунтиради.



Сайловчининг сайловчилар рўйхатидаги маълумотлари текширилиши натижасида сайловчи мазкур сайлов участкасининг **сайловчилари рўйхатида мавжуд эмаслиги аниқланса**, сайловчи шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат асосида **участка сайлов комиссияси раисига ариза билан ёзма шаклда мурожаат қилади.**

Сайловчининг аризаси қабул қилиб олингач, участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган яшаш жойидан келиб чиқиб, уни ушбу сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал этади.

**БУНДА, САЙЛОВЧЕНИ САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ ИЛОВАСИГА
КИРИТИШ МАСАЛАСИ ҚУЙИДАГИ ҲАРАКАТЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИДА
ҲАЛ ЭТИЛАДИ:**

1-ҲАРАКАТ: участка сайлов комиссияси раисининг кўрсатмасига асосан комиссия котиби сайловчининг сайлов участкасини СЖБАТдан излаб топади;

2-ҲАРАКАТ: комиссия котиби излаб топилган сайлов участкасидаги комиссия раиси билан алоқа воситаси (телефон) орқали боғланиб, сайловчининг овоз берган ёки бермаганлигини аниқлайди. Овоз бермаганлик факти аниқланганидан сўнг, сайловчининг ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхати иловаси асосида овоз бераётганлиги ҳақида маълум қилади. Раис билан боғланиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам бериш учун тегишли ишчи гуруҳга мурожаат қилади;

3-ҲАРАКАТ: комиссия котиби комиссия раисини хабардор қилган ҳолда сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритади ва унга овоз бериш учун сайлов бюллетенини имзо қўйдириб топширади.



Сайлов участкасида сайловчилар рўйхатининг иловаси комиссия раисининг кўрсатмасига асосан фақат комиссия котиби томонидан юритилади.



Комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан сайловчилар рўйхатининг иловаси юритилишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги ҳолларда сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритиш рад этилади:

- сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берган бўлса;
- сайловчи доимий ёки вақтинча рўйхатга олинмаган яшаш жойи бўйича участка сайлов комиссиясига мурожаат қилган бўлса.

Бунда, участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича бошқа сайлов участкасида овоз бериши кераклигини тушунтиради ҳамда тегишли аризада рад этиш асосига белги қўяди.

Сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчининг бошқа сайлов участкасида овоз бераётганлиги ҳақида маълумот олган (2-ҳаракатни амалга ошириш жараёнида) участка сайлов комиссиясининг раиси сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритади.

Якуний баённомани тўлдириш вақтида ушбу сайловчи участкадаги сайловчиларнинг умумий сонига қўшилмайди.

Сайловчилар рўйхатидаги маълумотлари текширилган сайловчи сайлов бюллетенини беришга масъул участка сайлов комиссиясининг аъзосига **ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда унга сайловчилар рўйхатидаги тартиб рақамини айтиб, сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.**

Шундан кейин унга тегишли сайлов учун бир донадан сайлов бюллетени берилади.

Участка сайлов комиссияси аъзоси бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериши тақиқланади.

Сайловчининг илтимосига биноан сайлов бюллетенини тўлдириш учун Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет берилади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради.

Бунда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси, сиёсий партиянинг номи рўпарасида ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «х» белгисини қўяди.



Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш вақтида бузиб қўйилган сайлов бюллетенларининг орқа томонида тегишли белги қўйилади ва ҳар бир сайлов турига қараб алоҳида сақланади.

Сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда ёки уни тўлдириш жараёнини суратга ёхуд видеога олиш, олинган тасвирларни тарқатиш, шу жумладан ижтимоий тармоқларга жойлаштириш тақиқланади.



Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.



Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.



Тўлдирилган сайлов бюллетенини овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида қуйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

- тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари;
- юқори турувчи сайлов комиссияси аъзолари;
- кузатувчилар;
- оммавий ахборот воситалари вакиллари;
- участкадаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар.

Овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига рухсат этилмайди. **Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси раисининг зиммасида бўлади.**

Участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар (сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган мақомини тасдиқловчи мандат (гувоҳнома-си)ни бошқаларга кўринадиган ҳолда таққан бўлишлари шарт.

Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари овоз бериб бўлган сайловчини бинодан чиқариб юбориш чораларини кўради.

Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишда **ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин.**

Бунда, ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.

Ички ишлар органи ва Миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг, мазкур ходимлар участка сайлов комиссияси раиси кўрсатмаси асосида **сайлов участкаси биносини тарк этишлари ва сайлов жараёнига ҳалақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.**



Айрим сайловчилар **соғлиғининг ҳолатига** ёки **бошқа сабабларга кўра** овоз бериш биносига кела **олмаган ҳолларда**, тегишли участка сайлов комиссияси **овоз беришни** ушбу сайловчиларнинг сайлов кўни ёки сайлов кўнига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан **улар турган жойда ташкил этади.**

Бунда участка сайлов комиссияси аъзоси қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка сайлов комиссияси аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Турган жойида овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда тегишли шаклдаги сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди. Шундан кейин унга тегишли сайлов учун бир донадан сайлов бюллетени берилади.

Сайловчи яширин овоз бериб бўлганидан сўнг сайловчилар рўйхатининг тегишли жойига (сайловчининг фамилияси қаршисига) **«турган жойида овоз берди»** ёзуви киритилади.

САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ОВОЗ БЕРИШ ЯКУНЛАНГАНДАН КЕЙИНГИ ҲАРАКАТЛАРИ



Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари **соат 20:00 да** овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида эълон қилади.



Сайлов участкаси биносида ҳозир бўлган сайловчиларга овоз бериш учун имконият берилади (агар сайловчилар бор бўлса).

Дипломатик ваколатхоналар ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси **овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин**. Бунда, соат 20:00 гача овоз бериш тугаган бўлса, сайлов қутиларининг бюллетен ташланадиган қисмига **оқ қоғоз елимланади** ва **участка сайлов комиссиясининг муҳри билан муҳрланади**.



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайлов қутиларини **соат 20:00 дан олдин** очиш ва овозларни санаб чиқишга **йўл қўйилмайди**.

Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов қўтиларида мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари бўйича амалга оширилади. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш фақатгина овоз бериш биносида ўтказилади.

Участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида **қуйидагилар ҳозир бўлишлари мумкин:**

- сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари;
- оммавий ахборот воситалари вакиллари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари;
- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар.

Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги **баённомаси билан расмийлаштирилади.**



Участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан овоз бериш тугаганидан сўнг, Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 2 июлдаги 1343-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловида овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигида, сайловчиларнинг овозларини сайлов тури, сиёсий партиялар, номзодлар бўйича алоҳида-алоҳида санаб чиқилади ва якуний баённомага тегишли рақамларни киритиб борилади.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Шундан кейин комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан **овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома иккита нусхада тўлдирилади**, имзоланади ва участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади.




Баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига **камида 48 соат муддатга** дарҳол осиб қўйилади.



Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган **кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақли**.

Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли ҳудудий, округ ва туман, шаҳар сайлов комиссияларига тақдим этилади.

Тегисли ҳудудий, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри ёки нотўғри тўлдирилганлигини текширади, овозларни санаб чиқиш чоғида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, участка сайлов комиссиясига ўз мажлисида ушбу номувофиқликларни бартараф этишини тушунтиради.



Участка сайлов комиссияси ўз мажлисида аниқланган номувофиқликларни қайта кўриб чиқиб бартараф қилади. Аввалги баённомани асослари кўрсатилган ҳолда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда янги қарор билан тузатилган баённома тасдиқланади.

Ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилган баённома янгиси билан алмаштирилади ва янгидан тўлдирилган баённома белгиланган тартибда тегишинча ҳудудий, туман, шаҳар ёки округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегисли сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг баённомаси тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлагандан сўнг, баённомаларнинг биринчи асл нусхаси ички ишлар органлари ходимлари кузатувида, комиссия раиси томонидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича тегишли ҳудудий сайлов комиссиясига, раис ўринбосари томонидан халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссиясига, комиссия котиби томонидан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови бўйича туман, шаҳар сайлов комиссиясига олиб бориб топширилади.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда — МЖТК) 51⁴-моддасида **кузатувчининг хуқуқларини бузганлик учун** маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур моддага кўра, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг хуқуқларини бузиш мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима** солишга сабаб бўлади.

МЖТКНИНГ 280 ВА 281-МОДДАЛАРИГА КўРА



Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий, туман, шаҳар, округ сайлов комиссияларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари ёки котиблари томонидан **маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома** тузилиши мумкин.

МЖТКНИНГ 282-МОДДАСИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ



баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ушбу хуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб **бир суткадан кечиктирмай судга** юборилади.

МЖТКНИНГ 245-МОДДАСИГА МУВОФИҚ



кузатувчининг хуқуқларини бузганликка оид хуқуқбузарлик ишлари **жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди** томонидан кўриб чиқилади.



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДАН КУЗАТУВЧИЛАРГА ТАВСИЯЛАР



Кузатувчилар ўз вазифаларини бажаришда қатъий ҳолисликни сақлашлари ҳамда сиёсий партиялар, номзодларга нисбатан олдиндан ижобий ёки салбий муносабатда бўлмасликлари ҳамда сайлов жараёнида юзага келадиган мунозарали масалалар бўйича ижобий ёки салбий фикр билдирмасликлари керак;

кузатувчилар ўз вазифаларини виждонан бажаришлари ва сайлов жараёнига аралашмасликлари лозим. Кузатувчилар сайлов комиссияларининг вакилларига саволлар беришлари ва уларнинг эътиборини қоидаларга риоя этилмаётганига қаратишлари мумкин, бироқ, сайлов комиссияларига кўрсатма ёки топшириқ бермасликлари ва уларнинг фикрларига таъсир ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари керак;



кузатувчилар сайлов куни давомида ўз вазифаларини бажаришлари, шу жумладан овозларни ҳисоблаб чиқиш жараёни устидан кузатув олиб боришлари керак;

кузатувчиларнинг хулосалари шахсий кузатувлари ва аниқ, ишончли далил-исботларга асосланган бўлиши керак;



кузатувчилар ўз кузатувлари тўғрисида матбуот вакилларига ёки бошқа манфаатдор шахсларга ҳар қандай шахсий ёки вақтидан илгари изоҳлар беришдан сақланишлари керак;

кузатувчиларда бирор-бир партияга мансуб рангдаги рамзий белги ёки ёрлиқ бўлмаслиги керак.



МУНДАРИЖА

<i>Сайлов қонунчилигига оид умумий тушунчалар</i>	<i>3</i>
<i>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловида иштироки</i>	<i>5</i>
<i>Кузатув жараёни</i>	<i>7</i>
<i>Кузатувчиларнинг ҳуқуқлари</i>	<i>8</i>
<i>Кузатувчиларнинг мажбуриятлари</i>	<i>10</i>
<i>Кузатувчиларга нималар ман этилади?</i>	<i>11</i>
<i>Сайловчилар рўйхати</i>	<i>12</i>
<i>Муддатидан олдин овоз беришни кузатиш</i>	<i>14</i>
<i>Овоз бериш вақти ва тартиби</i>	<i>15</i>
<i>Сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиясининг овоз бериш якунлангандан кейинги ҳаракатлари</i>	<i>23</i>
<i>Кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик</i>	<i>27</i>
<i>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларга тавсиялар</i>	<i>28</i>

**ПАМЯТКА
ДЛЯ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ ОТ ОРГАНОВ
САМОУПРАВЛЕНИЯ ГРАЖДАН**



ВЫБОРЫ



Выборы – политический процесс, который подразумевает **тайное голосование** граждан за кандидатов в депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, местных Кенгашей из числа лиц, выдвинутых политическими партиями, на основе всеобщего, равного и прямого избирательного права.

УЧАСТНИКИ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА



Участники избирательного процесса – избиратели, представители средств массовой информации, местные и иностранные (международные) наблюдатели, члены избирательных комиссий (председатель, заместитель председателя, секретарь и другие члены), кандидаты в депутаты, доверенные лица, политические партии и их уполномоченные представители.

ИЗБИРАТЕЛИ



Избиратели – граждане Республики Узбекистан, достигшие на день выборов **18-летнего возраста**, независимо от пола, расовой и национальной принадлежности, языка, отношения к религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения, образования, рода и характера занятий имеют право голоса. Каждый гражданин, участвующий в выборах, имеет один голос. Голосование на выборах является свободным и тайным. Контроль за волеизъявлением избирателей не допускается.

КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



Кандидаты в депутаты – граждане, достигшие ко дню выборов **25 лет**, постоянно проживающие на территории Республики Узбекистан не менее пяти лет, выдвинутые политическими партиями в качестве кандидатов в депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и зарегистрированные Центральной избирательной комиссией.

КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ МЕСТНЫХ КЕНГАШЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



Кандидаты в депутаты – граждане, достигшие ко дню выборов **21 лет**, постоянно проживающие на территории Республики Узбекистан не менее пяти лет, выдвинутые политическими партиями в качестве кандидатов в депутаты местных Кенгашей и зарегистрированные соответствующими территориальными, районными, городскими избирательными комиссиями.

НАБЛЮДАТЕЛЬ



Наблюдатель – лицо, имеющее право участвовать во всех мероприятиях по подготовке и проведению выборов, а также в процессах голосования и подсчета голосов в день выборов и **общественном контроле за соблюдением** избирательного законодательства, зарегистрированное соответствующей избирательной комиссией и имеющее соответствующий мандат.

ДОВЕРЕННОЕ ЛИЦО



